



ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

НОКИМИ
ҚАРОРИ

“ 01 ” Май 2020 йил

№ 1174_к

Фуқаро Otaxonov Mardonbek Davronovichga
фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага
ер майдони ажратиш тўғрисида

Фуқаро Otaxonov Mardonbek Davronovichning боғдорчилик (интенсив боғ) йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер участкаси олиш бўйича танловда қатнашишга рухсат беришни сўраб туман ҳокими номига ёзган аризасини, тумандаги давлат захирасидаги ерларда фермер хўжалик ташкил қилиш истагини билдирган фуқароларга ва фермер хўжаликларига танлов асосида ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёни қарорини ҳамда тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунларига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Фуқаро Otaxonov Mardonbek Davronovichning боғдорчилик (интенсив боғ) йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер участкаси олиш бўйича танловда қатнашишга рухсат беришни сўраб туман ҳокими номига ёзган аризаси ҳамда тумандаги давлат захирасидаги ерларда фермер хўжалик ташкил қилиш истагини билдирган фуқароларга ва фермер хўжаликларига танлов асосида ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёни қарори маъқуллансин.

2. Карвак қишлоғи ҳудудидан танловга қўйилган №10-лойиҳа бўйича Фуқаро Otaxonov Mardonbek Davronovich танлов ғолиби деб топилсин ва унга Карвак қишлоғи қишлоқ хўжалик харитасининг № 893– контуридаги жами 5,1 гектар (шундан суғориладиган экин ер майдони 4,7 гектар, ариқ ва зовурлар 0,3 гектар, йўл ва увватлар 0,1 гектар) ер майдони боғдорчилик (интенсив боғ) йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 49 йил муддатга ажратиб берилсин.

3. Ҳазорасп туман давлат хизматлари маркази директори (Б.Рўзметов)га, фермер хўжалигини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Сабилов)га, вилоят ҳокими қарори қабул қилингандан кейин ажратилган ер участкасини белгиланган тартибда жойни ўзида (натурада) белгилаб бериш, далолатнома асосида топшириш ҳамда фермер хўжалиги билан туман ҳокими ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш топширилсин.

5. Фуқаро Otaxonov Mardonbek Davronovichga фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратилиши муносабати билан банк, таёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартномалар тузиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорни тасдиқлаш учун Халқ депутатлари туман Кенгашининг сессиясига киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимдан сўралсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими:

Ў.Машарипов